

Чет эл валютасини сотиш бўйича ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

Ушбу Оммавий оферта шартномаси (кейинги ўринларда “Оферта”) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 ва 369-моддаларига мувофиқ, банк миждозларининг кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозоридан чет эл валютасини сотиб олиш юзасидан шартнома тузиш бўйича юборилган расмий оммавий таклиф бўлиб ҳисобланади.

Оммавий оферта шартномаси Миждоз томонидан банк ҳисобварағи очиш юзасидан мурожаат қилинган аризани тақдим этиш билан ёхуд ушбу шартномага илова қилинган аризани, белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган вақтдан бошлаб тузилган (акцептланган) ҳисобланади ҳамда миждоз мазкур оммавий оферта шартномасининг барча шартларини ва Банк Тарифларига асосан тўловларни тўлашни истисно қилмасдан сўзсиз қабул қилганлигини англатади.

1. Шартнома мавзуси

1.1. Миждознинг кўрсатмасига асосан Банк Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш, миждоз эса Банк томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади. Бундай ҳолда, банк ички валюта бозорида ўз номидан ва миждоз номидан иш юритади

2. Миждознинг хорижий валютасини сотиш тартиби ва шартлари

2.1. Чет эл валютасини сотиш Миждознинг ушбу шартномага илова қилинган шаклдаги буюртманомани ёзма/ёки банкнинг масофадан хизмат кўрсатиш хизматларидан фойдаланган ҳолда тақдим этиши орқали амалга оширилади.

2.2. Миждознинг чет эл валютасини сотиш бўйича буюртманомادا валютанинг номи, битимнинг моҳияти, валюта курслари ва хорижий валютадаги сумма кўрсатилган бўлиши лозим.

2.3. Чет эл валютаси Банк томонидан сотиб олиш юзасидан тақдим этилган буюртномаси, 1 (бир) иш куни давомида кўриб чиқилади ва ўша кундаги ЎзРВБда белгиланган курс бўйича сотиб олинади.

2.4. Миждознинг чет эл валютасини ЎзРВБ орқали сотиш ҳақидаги буюртманомаси, банклараро савдо сессияси бошланишидан бир кун олдин, соат 15-00 га қадар Банкка тақдим этилиши лозим.

2.5. Чет эл валютаси ЎзРВБ савдолари сотилганда, шу кундаги курс бўйича, аммо Миждознинг буюртманомада белгиланган курсдан паст бўлмаган қийматда сотилади.

2.6. ЎзРВБ савдосида ёки банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган битимлар бўйича ҳисоб-китоблар Томонлар томонидан 1 (бир) иш куни давомида амалга оширилади.

2.7. Банкка тақдим этилган буюртномалар, савдо операциялари амалга оширилгунига қадар Миждознинг ёзма равишдаги мурожаатига кўра қайтариб олиниши мумкин. Бундай ҳолларда, савдога чиқарилган чет эл валютаси савдо ўтказилган куннинг эртасидан кеч қолмаган муддатда миждозга қайтарилади.

2.8. Ушбу Шартномага биноан, Банк миждоз томонидан савдога қўйиладиган чет эл валютасини, битимни амалга ошириш пайтида www.uzgvb.uz веб-сайтида чоп этилган ЎзРВБ курси бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга. Бунда АҚШ доллари ҳамда ЕВРОдан ташқари бошқа чет эл валюталари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курсидан келиб чиқиб белгиланади.

3. Комиссия миқдори ва тартиби

3.1. Банк чет эл валютасини сотиш билан боғлиқ операцияларни амалга оширганлиги учун Миждоз Банк Тарифларида белгиланган миқдорда комиссия тўлайди.

3.2. Мазкур шартнома бўйича кўрсатилган операциялар учун комиссия Фуқаролик кодексининг 780 ва 783-моддаларига асосан, Банк томонидан мемориал ордер ёки тўлов талабномаси орқали Мижознинг розилигиз (акцептсиз) тартибда ундириб олинади. Мижознинг ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаган ҳолатда мемориал ордер ёки тўлов талабномаси 2-сонли Картотекага кирим қилинади.

4.Томонларнинг ҳуқуқлари

4.1. Мижознинг ҳуқуқлари:

4.1.1. Ушбу шартнома амал қилиш давомида хорижий валютани сотиш учун буюртманома тақдим этиш;

4.1.2. Банкка тақдим этилган буюртманомаларнинг ҳолати тўғрисида маълумот олиш;

4.1.3. Сотилган чет эл валютаси маблағларини мазкур шартномада белгиланган муддатда ҳисобвараққа ўтказиш берилишини талаб қилиш;

4.2. Банкнинг ҳуқуқлари:

4.2.1. Мижоз томонидан тақдим этилган буюртманомалар мазкур шартномага илова қилинган шаклда тақдим этилмаганда/ мижознинг ҳисобварақларида бўш валюта маблағлари бўлмаганда, уларни қабул қилишни рад этиш;

4.2.2. Мазкур шартномага асосан амалга оширилган операциялар учун комиссия тўловларини мижознинг ҳисобварағидан акцептсиз равишда ечиб олиш;

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1.Банкнинг мажбуриятлари:

5.1.1.Мижоздан қабул қилинган буюртманомаларни ижро қилишда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига ҳамда мазкур шартнома шартларига риоя қилиш;

5.1.2. Валютани сотиш операцияси амалга оширилганидан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмай миллий валютадаги маблағни мижоз ҳисобварағига ўтказиш;

5.2. Мижознинг мажбуриятлари:

5.2.1. Чет эл валютасини сотиш тўғрисида буюртманома тақдим этиш;

5.2.2. Чет эл валютасини сотиш бўйича амалга оширилган операциялар учун банк комиссиясини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

5.2.3. Чет эл валютасини сотишда амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиш.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Шартнома тузилганидан сўнг, бир томон иккинчи томон олдида уларнинг ихтиёри ва хоҳишидан ташқари, олдиндан кўриб бўлмайдиган ва олдини олиб бўлмайдиган, жумладан, сув тошқини, ёнгин, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эмбарго, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар натижасида келиб чиққан вазиятларда мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби

8.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келиб чиққан низо ва келишмовчиликларни музокура йўли билан ҳал этиб бўлмаса, улар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

9. Бошқа шартлар

9.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда акцептланган вақтдан бошлаб кучга кирази ва бекор қилинмагунига қадар амал қилади.

9.2. Мазкур шартнома мижоз томонидан ёзма равишда мурожаат қилган ҳар қандай вақтда, шунингдек мижоз фаолияти белгиланган тартибда тугатилган тақдирда бекор қилинган ҳисобланади.

9.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган, у билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.